

“Эл-юрт умиди” Жамғармаси стипендия ғолиби Франциянинг Версаль Академиясида

Ўзбекистон Миллий университети Табиий йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси мудир, мустақил тадқиқотчи Раҳимова Гулсанам Аширбековна 2019 йил учун “Эл-юрт умиди” Жамғармаси томонидан эълон қилинган стипендия танловларида иштирок этиб, 2019 йил сентябрь–декабрь ойларида Франция ЕМА илмий лабораториясида стажировка ўташни қўлга киритди.

Стажировка ўтиш давомида турли машғулотлар билан бирга университет кутубхонаси ва Франция Миллий Кутубхона (BNF)си илмий ва бадиий ресурслар базаси манбаларидан фойдаланилмоқда, университет халқаро тадқиқотчилар хизмати бўлими томонидан ташкил қилинадиган маданий тадбирларда иштирок этмоқда.



Кутубхонада мавжуд бой илмий ва бадиий асарларнинг оригинал нусхаларидан фойдаланиб келажакда Сержи-Понтуаз университети илмий журналида ҳаммуаллифликда илмий мақолалар тайёрлаш режалаштирилган.

Илмий изланишлар олиб бориш билан бирга Г.Раҳимова Ўзбекистон-Франция ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда, ватандошлар билан йўлга қўйилган мулоқот доирасида элчихонадан рўйхатдан ўтиб турли маданий-маърифий тадбирларда қатнашмоқда.

Рахимова Гулсанам




Ўқув, маданий ва илмий машғулотлар билан бирга Франция университетлари билан Ўзбекистон университетлари ўртасида ҳамкорлик шартномаларини имзолаш учун саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.



Хусусан, 2019 йил 14 октябрь Версаль Академияси Сержи-Понтуаз университети Олий педагогика ва таълим миллий институти ўртасида талабалар ва ўқитувчилар, илмий ва маданий соҳада тажрибалар алмашинуви, ҳаммуаллифликда илмий мақолалар ёзиш, таржима қилиш ҳамда тадқиқотчи-докторантлар учун икки томонлама илмий маслаҳатчилар тайинланиши, халқаро конференциялар ва симпозиумларда қатнашиш борасида музокаралар олиб борилди.

Музокаралар давомида Халқаро Эрасмус лойиҳаси доирасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва шартнома имзолаш учун ҳар икки томоннинг имкониятлари муҳокама қилинди. Шунингдек, Европанинг халқаро Эрасмус лойиҳаси шартларига кўра талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви молиявий харажатлари улар томонидан қопланиши келишилди.

Рахимова Гулсанам



Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Изабел Леруа хоним Ўзбекистон олий таълим муассасаларидан ташқари мактаб, лицей ва коллежлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг француз тилини ўқитилиши бўйича фаолияти билан танишиш, Франциядан стажёр-ўқитувчиларни юбориш орқали француз тилини ўқитиш сифатини оширишда тажрибалари билан ўртоқлашиш истагини ҳам билдирди.

Музокара якунида, келажакда ушбу алоқалар ўз самарасини беришига ишонч билдириб, ҳар икки томоннинг имконият ва таклифларидан келиб чиқиб меморандум имзолашга келишиб олинди.

Рахимова Гулсанам